

Дилхушбону ҲАМРОҲ

ГУЛ ИФОРИ


(Шеърлар)

Қарши
«Насаф» нашриёти
2007

84(59)6

Дилхушбону Ҳамроҳ ўзининг машқлари орқали дунёга, одамларга, атроф-муҳитга муносабатини ифодалашга интилади. Унинг мисралари ҳали қиёмига етмаган бўлиши мумкин. Аммо ҳаваскор шоира ўз қарашлари, ўй-хаёлларини маҳсули бўлган ашъорларини сизга тақдим қилишга журъат қилибди.

Ю 34479
0



X 4702620202-54 54 -2007
376(11)2007

Д. Ҳамроева, 2007 й.

ISBN 5-7323-0520-5

КЎЗ ТЕГМАСИН

Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига

Тунда боқдим жамолингга,
Ой тўймайди камолингга,
Садқа бўлай шамолингга,
Она юртим гўзал Қарши,
Қўшиғи куй, ғазал Қарши.

Субҳон Оллоҳ назар солган,
Пайғамбардан дуо олган,
Авлиёлар мерос қолган,
Қадим мозий улуғ нақши,
Муборак юрт қутлуғ Қарши.

Хўжа Жарроҳ тавобхона,
Амир Темур жасурнома,
Сулув Зухра ишқийнома,
Насафийлар юрти Қарши,
Абдулланинг байти Қарши.

Одинадир кумуш қоя,
Тош қафасдан чиқди зиё,
Сардобада сирли рўё,
Ўтмишингдан айтди бахши,
Кетган лайлак қайтди, Қарши.

Тўлиб оқсин Қашқадарё,
Кўхна кўприк боқмиш қиё,
Кўк гумбаздир сажда дунё,
Истиқлолдан сўлим Қарши,
Хур чаманда гулим Қарши.

Ғанимларинг кўзга илмай,
Униб-ўсгин андуҳ билмай,
Қаддингни ур қайғу кўрмай,
Олис кетсам хумор, Қарши,
Менга тилла тумор, Қарши.

Қўшилади қайноқ қоним,
Сенга фидо ширин жоним.
Ориятим, шараф шоним,
Аллалаган онам, Қарши,
Пок нурафшон хонам, Қарши.

Йигитларинг алп қоматли,
Шўх қизларинг гул сифатли,
Навқиронсан шоҳ келбатли,
Фирдавсдай ўзинг яхши,
Доим ёруғ юзинг, Қарши.

Қучоғингда гул ифори,
Иссиқ бағринг дил баҳори.
Иқбол тилай саҳар чоғи,
Аллома юрт азал Қарши,
Яшнаб кетди гўзал Қарши.

Доно раҳбар давлат боши,
Озод Ватан кўзи қоши,
Ардоқлидир тупроқ тоши,
Хазина бек бойим Қарши,
Ҳам қуёшим, ойим Қарши.

Ўзбекистон юрагида,
Бошинг баланд кўкрагида,
Дилхушбону тилагида,
Энг шоҳона тахтим Қарши,
Кўз тегмасин бахтим, Қарши.

ИСТАК

Атиргулнинг япроқларида,
Гунчаларнинг дудокларида,
Баҳор бўлиб қолгим келади,
Бинафшанинг ёноқларида.

Улуғ отам туйғуларида,
Мунис онам уйқуларида,
Алла бўлиб қолгим келади,
Ўдақларнинг кулгуларида.

Мард йигитнинг ғурурларида,
Сулув қизнинг шуурларида,
Вафо бўлиб қолгим келади,
Садоқатнинг сурурларида.

Яхшиликнинг куртакларида,
Дониш элим тилакларида,
Қўшиқ бўлиб қолгим келади,
Эзгуликнинг эртакларида.

Қари бобом пирхонасида,
Пари момом парвонасида,
Тупроқ бўлиб қолгим келади,
Ўзбекистон остонасида.



ЎЗБЕКИСТОН БЕКАЛАРИ

Сарви қомат гули раъно,
Сулув малак оқил доно,
Жаннат гули момо ҳаво,
Фариштасиз бунчалар,
Нафосатнинг бекалари.

Шамси қамар юзингиздан,
Кулиб турган кўзингиздан,
Айланайин ўзингиздан,
Ҳаё, ибо гунчалари,
Садоқатнинг бекалари.

Ўсма энар қошингизда,
Мингта ташвиш бошингизда,
Парисиз ҳар ёшингизда,
Гинаси йўқ гулчалари,
Назокатнинг бекалари.

Эплигина пазандасиз,
Ҳам чевари арзандасиз.
Ҳофизаи созандасиз,
Ширин ёпган кўлчалари,
Хонадон шоҳ бекалари.

Истиклолга ҳур онасиз,
Гул гиёҳга парвонасиз,
Юртим, элим деб ёнасиз,
Тўлин ойдаи кечалари,
Озод Ватан бекалари.

Алпомишлар пушти паноҳ,
Ойбарчинсиз сирли нигоҳ,
Дилхушбону сизга ҳамроҳ,
Тоғ кўтарган елкалари,
Ўзбекистон бекалари.

ҚАШҚАДАРЁ

Темурнинг фарзандиман,
Бибихоним дилбандиман,
Хур Ватан пайвандиман,
Либосим гулгун ҳаё,
Масканим Қашқадарё.

Тоҳирлар алп келбатли,
Зухролар гул қоматли,
Ҳар инсон мағрур танти,
Момомдан мерос ибo,
Манзилим Қашқадарё.

Авлиё яшаб ўтган,
Хизр ҳам назар этган,
Бахшилар дoston битган,
Жаранглар қўшиқ наво,
Диёрим Қашқадарё.

Яралдим тупроғингда,
Нур бўлай қароғингда,
Гул бўлай ёноғингда,
Майиндир эсган сабо,
Юртимдир Қашқадарё.

Қуёшдай порлаб турган,
Ойдин ой каби тўлган,
Иқболи бахти кулган,
Менга боқ, бутун дунё,
Ватаним Қашқадарё.


ОНАЖОН

Хаёт шаробидан бир қултум ютиб,
Мен мунис онамни бошимда тутиб,
Истиқбол томонга олға бораман,
Оғриқ азобларни буткул унутиб.

Майли қум саҳролар куйдирсин йўлим,
Чанг-тўзон сўлдирсин очилган гулим,
Тоғу довлардан ошиб бораман,
Онамни қўлларин ушласа қўлим.

Майли тузоқ қўйсин кўролмас ғаним,
Отилган тошлардан лат есин таним,
Тузоқни тўзителиб, тошни эритай,
Онамнинг жонига туташса жоним.

Волидам омон, соғ юрсин доим,
Бахтимдан бахтиёр кулсин илоҳим,
Онажоним номи Ватанга туташ,
Иккисин асрасин қодир Оллоҳим.



ЮЛДУЗЧАЛАР

Сехрли тун самода,
Юлдузчалар жимирлар.
Менга сирли эртаклар,
Айтмоқчидай шивирлар.

Юлдуз мисол шамчирок,
Кўринади кўзимга.
Кўл узатсам етгудай,
Туюлади ўзимга.

Юлдузчалар хаёлим –
Китобини очади.
Ухлатади аллалаб,
Тонг саҳарда қочади.

Ҳар кечада юлдузлар,
Осмонимга қайтасиз.
Яна қанча оқшомлар,
Гўзал қўшиқ айтасиз.

Ўзга Ватан менга йўқ,
Бошқа юртга боқмайман.
Ўзбекистон кўкида,
Сиздай бўлиб чақнайман.

УНУТМАСМАН

Бир чаманда турли гул эдик,
Гоҳо лочин, гоҳ бургут эдик,
Мусаффою тоза дил эдик,
Ҳар бирингиз кўзу қошларим,
Унутмасман синфдошларим.

Кумушдайин кулиб турасиз,
Зухро мисол ойдаи тўласиз.
Увайсийдай оқил, доносиз,
Нодирадай ҳаёли юзлар,
Унутмасман синфдош қизлар.

Алпомишсиз алпдай қоматли,
Шоҳ Бобурсиз тахтда келбатли,
Сиз дўстимсиз чин қиёматли,
Парвозлари улкан бургутлар,
Унутмасман сирдош йигитлар.

Сиз дарёсиз уммонга туташ,
Сиз қуёшсиз юраги оташ,
Сиз аллома, илоҳий бардош,
Пайғамбардай пари мумтозлар,
Унутмасман азиз устозлар.

Вужудимнинг титроғидасиз,
Кўзларимнинг қароғидасиз,
Юрагимнинг сўроғидасиз,
Нафосатли навбаҳор боғлар,
Унутмасман беғубор чоғлар.

ТИЛАК

Янги йил келаётир,
Совға-саломи билан.
Юракларни титратган,
Лутфи каломи билан.

Элу юртга бахт келсин,
Ҳамда омад саодат.
Ўзбекистон гуллагай,
Гўзал иқболи билан.

Ҳар байрамда қувнаймиз,
Қўшиқ айтиб куйлаймиз.
Ёшлик бизни лол этган,
Бахти камоли билан.

Ҳаммангизни қутлайман,
Бугун байрам тонгида.
Қўнгил орзиқиб кетди,
Дил эҳтироми билан.

ЯНГИ ЙИЛ

Янги йилда шод-хуррам
Бўлар бизнинг болалар.
Худди ёш ниҳоллардек
Унар гулу лолалар.

Қор бобо-ю қорқизни,
Кутишарди куну тун.
Совға саломлар билан
Кириб келишди бугун.

БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМ

Севара Ажабовага

Меҳри улкан дарё қалби уммоним,
Таърифга сифмаган шарафим-шоним,
Илоҳий калима қутлуғ қуръоним,
Мадҳингизни куйлар сеҳрли созим,
Биринчи устозим, қилурман таъзим.

Тоғнинг бардошини елкада ортиб,
Қуёшнинг тафтини дилда уйғотиб,
Илм-фан сеҳрига маҳлиё этиб,
Сиз шундай улуғ зот дилдаги розим,
Сиздан миннатдорман, азиз устозим.

Гийбат-гиналарнинг йўлин тутмаган,
Ҳаёт ташвишларин писанд этмаган,
Тунни тонгга улаб бедор ётмаган,
Ўқитувчим, сиздир, нурли мумтозим,
Сизга минг ташаккур, азиз устозим.

Сиз жуда улуғсиз улуғвор бўлинг,
Тилагим дунёда бахтиёр бўлинг,
Истагим ҳаётда доим бор бўлинг,
Сиз туфайли бугун ёруғдир юзим,
Биринчи устозим, қилурман таъзим.



ВАЗМИН ТОҒСИЗ

Носирхон Муҳаррам Солихон ўғлига

Нур ёғилар юзингиздан,
Дур томади сўзингиздан,
Хурмат-иззат оқибатни,
Мен ўргандим ўзингиздан.

Оқар экан оққан дарё,
Дунёга тенг шоҳу гадо.
Яратганнинг карами кенг,
Сизга бермиш нуру зиё.

Йўлингиз ҳур ҳидоятли,
Калимангиз кароматли.
Нигоҳингиз тушса дилга,
Тил айланар тиловатли.

Яхшилиқни айтмагайсиз,
Савоб ишдан қайтмагайсиз.
Кимлар дардин дарё қилар,
Ғанимига сотмагайсиз.

Гоҳ дамлари тошдай оғир,
Йиғлаб келар бойу сағир.
Ботмон-ботмон юк кўтарган
Елкангиз ҳам вазмин тоғдир.

Ёмонларни йўлга солган,
Яхшилардан баҳра олган.
Сиз ҳам элга улуғ устоз
Юракларда мангу қолган.

БАХТ

Яктак кийиб чўлда юрган бобомга,
Юзга кириб хаёл сурган момомга,
Виқор билан отда юрган одамга,
Деманг, бахтни бахтсизлардан сўрангиз.

Фиғон чекмай ёлғон қилган ноламга,
Боғда эмас тоғда ўсган лоламга,
Неча юз йил жафо чеккан оламга,
Деманг, бахтни бахтсизлардан сўрангиз.

Бой-бадавлат ҳамда ўзи донога,
Ҳар бир қизга мерос ибo, ҳаёга,
Қилган иши хуш ёқувчи Худога,
Деманг, бахтни бахтсизлардан сўрангиз.

Гуноҳ қилган бадфеълли бир инсонга,
Савобни ҳеч билмайдиган илонга,
Ўз юртини ҳурмат қилмас чаёнга,
Деманг, бахтни бахтсизлардан сўрангиз.



БУ ҲАЁТ

Чимдимгина меҳрдир,
Мен танлаган фалсафа.
Эзгу бу ҳис сеҳрдир,
Қолган гаплар сафсата.

Ит бошини силадим,
Қўлларимни ялади.
Одамга қарз бергандим,
Қайтиб бермай қарғади.

Мушук тишлаб боласин,
Эркалади ва суйди.
Она икки лоласин,
Ўзи билан ўт қўйди.

Эгасини тупроққа,
Қўйганда от чекди оҳ.
Волидани тирноқи
Қадри йўқдир гоҳ,звоҳ.

Ҳайвон қолиб одамзод –
Чексиз тубан кетаркан.
Карвонсарой бу ҳаёт,
Шоҳ ҳам гадо ўтаркан.



СУЯНГАН ТОҒЛАРИМСИЗ

Суянган тоғларимсиз,
Яшнаган боғларимсиз.
Юрагимдан жой олган,
Бахтиёр чоғларимсиз.

Отам пушти паноҳим,
Онам кўкдаги моҳим,
Синглим, укам қўшқанот,
Айирмасин Оллоҳим.

Тинч ва озод Ватанда,
Шодлик жўшар жон танда.
Орзуларим бўй чўзиб,
Барқ урай гул чаманда.



ҲИКМАТ АКАНИНГ ДЕГАНЛАРИ

Очилган қизил гулдай,
Қизларим юлдузларим.
Нафосатда ягона
Элда ёруғ юзларим.


Кўзимни қувонтирган,
Уйимда гул эдингиз.
Меҳрингиз қуёш каби
Дилимда нур эдингиз.

Палаҳмон тоши экан,
Бир-бир йиғлаб узатдим.
Оллоҳдан иқбол тилаб,
Бахт қасрига кузатдим.

Дадажон деган товуш,
Келади аллақайдан.
Ҳар бирингиз гўзалсиз,
Кўкдаги тўлин ойдан.

Етти қизим ёнида,
Етти ўғил турибди.
Бундайин улуғ бахтни,
Қайси падар кўрибди.

Ўғлим йўқ деб ўкинган,
Оталарга сўзим бор.
Етмиш ўғилга бермас,
Етти сулув қизим бор.



ҚОНДА БЎЛАДИ

Осмондаги ойнинг сеҳри бўлади,
Кўчатни қайирса эгри бўлади,
Ўзингни ҳар ёнга урмагин инсон,
Ўғрининг боласи, ўғри бўлади.

Булбул қўнмагайдир қуруқ янтоққа,
Бунча лағмон чўзиб осма қулоққа.
Ёмоннинг боласи ёмон бўлади,
Ота-она ботса лойқа ботқоққа.

От изини той босар деган мақолда,
Айланиб қозигин топар ҳар ҳолда.
Яхшининг боласи яхши бўлади,
Эзгулик эгилмас ҳеч бир замонда.

Темур бобом келин танлаганида,
Авлод-аждодини сўраган бекам.
Ҳар не бўлса асли қонда бўлади,
Арпа экиб буғдой олмаган ҳеч ким.



ИЗТИРОБ

**Саид Аҳмаднинг «Уфқ» асаридаги «Қочоқ»
ҳикояси қаҳрамони Турсунали тимсолига
бағишлайман**

Осмонларга учса безовта руҳим,
Дунёларни кезса ғам-андуҳларим.
Мени ёд этмас сира дўстларим,
Муздай совуқ қабрим йўқламас ҳеч ким.

Башорат айтайин мен сизга бир кун
Ҳар одам боради тупроққа бир кун.
Менинг кўнглим ярим, лек сўзим бутун,
Мунғайган қабрни йўқламас ҳеч ким.

Мен нодон онамни нималар қилдим,
Жисмини ўлдириб пичоқсиз сўйдим.
Онамсиз бу ҳаёт йўқлигин туйдим,
Тутунли қабримни йўқламас ҳеч ким.

Ажалим етганин билмай ҳам қолдим,
Қочоқ бўлиб яшаб, чарчадим, толдим.
Отамни ғариблик куйига солдим,
Бедаво қабримни йўқламас ҳеч ким.



ДУНЁ

Кўнгил йиғлар,
Кўшиқ йиғлар,
Кўз ёшларга
Ботма дунё.

Ожиз кулар,
Нокас кулар,
Танбеҳ тошин
Отма дунё.

Алдаш нечун,
Хўрлаш нечун,
Ғафлат ичра
Ётма дунё.

Юрак оғрир,
Вужуд оғрир,
Дил азобин
Тортма дунё.

Ҳаёт кураш,
Яшаш кураш,
Бир зум тўхтаб
Қотма дунё.



МАҚТАНЧОҚ АТИРГУЛ

(Эртак)

Ёш умрингизни хазон,
Қилманг дейман қизларга.
Бир аламли эртакни,
Сўзлаб берай сизларга.
Бир куни гўзал боғда,
Гуллар суҳбат қурибди.
Маҳмадона атиргул
Алоҳида турибди.
Гуллар уни чорлашиб
Бизга қўшил дейишар.
Назар писанд қилмас гул
Бирдан тилни тийишар.
Ўзи бирам мақтанчоқ,
Тумшуғи ҳам осмонда.
Ўзим битта бўлай деб
Боқади у ҳар ёнга.
Боғ тўридаги сойда,
Нилуфар гул очилди.
Офтобда бўйин чўзиб
Хиди ҳар ён сочилди.
Боғдаги барча гуллар,
Шайдо бўлиб қолдилар.
Мақтанчоқ атиргулни,
Бирдан эсга олдилар.
Шунда кичик ғунчалар
Шивирлашиб қолишди.
Ҳалиги нилуфарни
Тезда гапга солишди.
Сенинг исминг нима деб
Аталади ҳей ғунча.
Йўқолиб кетмайсанми,
Тонг отиб кун ботгунча.
Менинг номим нилуфар

Деб қўйилган ғунчалар.
Сизлар мендан ҳам кўпроқ
Чиройлисиз бунчалар.
Олифта атиргул ҳам
Ўзини мақтай кетди.
Гўёки осмон бўлиб
Сўнгра мақсадга ўтди.
Менинг мақсадим шудир,
Ягона бўлиш орзум.
Ким мендай бўла олар
Ўйлаб кўрингчи бир зум.
Боққа кичик қўзичоқ
Кириб қолди шу замон.
Мақтанчоқ атиргулой
Ўзини мақтар ҳамон.
Қўзичоқ дикир-дикир
Қараб боқди ҳар ёнга.
Мақтанчоқ атиргулни
Кўриб қолди шу онда.
Атиргул ҳам шу пайтда
Қаддин кўтариб турар.
Қўзичоқ ўйнаб-ўйнаб
Атиргул томон юрар.
Қўзичоқ бора солиб
Оғзини катта очди.
Атиргулни бир тишлаб
Бошқа томонга қочди.
Кўрдингизми болалар
Мақтанчоқ ҳолига вой.
Мақтанчоқ бордир қаранг
Орангизда ҳойнаҳой.
Ўзларингизни сира
Осмонларга қўймангиз.
Менинг бу эртагимни
Ёмонликка йўймангиз.



МУНДАРИЖА

Кўз тегмасин.....	3
Истак.....	5
Ўзбекистон бекалари.....	6
Қашқадарё.....	7
Онажон.....	8
Юлдузчалар.....	9
Унутмасман.....	10
Тилак.....	11
Янги йил.....	11
Биринчи ўқитувчим.....	12
Вазмин тоғсиз.....	13
Бахт.....	14
Бу ҳаёт.....	15
Суянган тоғларимсиз.....	16
Ҳикмат аканинг деганлари.....	17
Қонда бўлади.....	18
Изтироб.....	19
Дунё.....	20
Мақтанчоқ атиргул (Эртак).....	21

Адабий-бадий нашр
ДИЛХУШБОНУ ХАМРОЕВА

ГУЛ ИФОРИ

(Шеърлар)

Муҳаррир: З.Омонова.
Техник муҳаррир: Ч.Раҳмонов.
Мусахҳиҳ: З.Очилова.
Бадий безакчи: Г.Хўжаева.

ИБ 1124

Теришга 9.11.2007 йилда берилди. Босишга. 12.11. 2007 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Шартли босма тобоғи 1,26. Шартли бўёқ-оттиск 1,32. Нашр босма тобоғи 0,79. 69-2007-шартнома. 100- буюртма.125-нусада. Эркин нарҳда.

«Насаф» нашриёти, 180118. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси
ҳузуридаги «Матбаа» цехида чоп этилди.

180118. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.